



23 июнь 2017 йил

МТЖнинг Хитой ва Жанубий Кореяга қарши ўйинларга тайёргарлик дастури

Бош мураббий Самвел Бабаян раҳбарлик қилган йиғилишда Ўзбекистон миллий терма жамоасининг жаҳон чемпионати саралаш босқичи доирасидаги Хитой ва Корея билан ўйинларга тайёргарлик дастури тасдиқланди.

Дастурга кўра миллий терма жамоа аъзолари 17-23 июль кунлари хорижда ўқув-машғулот йиғинларини ўтказди. Йиғин доирасида 2 та назорат ўйинини ўтказиш режалаштирилган. Йиғин доирасида янги футболчиларни синовдан ўтказиш масаласи устувор вазифа сифатида кун тартибига киритилган.

Кейинги йиғин эса августнинг охиригача ўн кунлигида бошланади. Терма жамоа аъзолари 20 августдан эътиборан йиғинга киради. 24 ёки 25 августда Тошкентда ўртоқлик учрашувини ташкил қилиш режалаштирилган. Айтилган пайтда Ўзбекистон Футбол Федерацияси жануби шарқий Осиё жамоалари билан ўртоқлик учрашувини ўтказиш борасида музокаралар олиб бормоқда.

31 августда Вуханда бўлиб ўтадиган ўйинга Ўзбекистон терма жамоаси 28 августда жўнаб кетишни режалаштирляпти. Делегация Хитой билан ўйинни тугатибоқ 1 сентябрь куни кечаси Тошкентга қайтиб келади ва 5 сентябрдаги Корея билан ўйинга тайёргарлик кўради.

